Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 6 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 49 (7046)

Da'vat

Билимли билади билим ҳурматин, Билимсиз не билгай, билим қийматин

Юсуф Хос Ҳожиб

Ibrat

«Қашқадарё-мармар» ҳиссадорлик жамияти ўз ходимлари фарзандлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари сотиб олди.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик тўйига 56 кун қолди

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йил 29 август) «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди (1997 йил 6 октябрь). Унга кўра, юқорида тилга олинган қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб белгиланди.

ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ МУНОСАБАТИ

ёхуд унинг бола шахси шаклланишидаги ўрни хусусида

Таҳририятдан:

Психология янги фан эмас, унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. У барча фанларни умумлаштирувчи, таҳлил этувчи соҳадир. Демак, бу фан оламида ўрганилмаган қирралар ҳали бисёр.

1998 йилда психология фани соҳасида ёзилган илмий мақолалар «ғалвирдан» ўтказилди. Кимники долзарб, кимники ўртача ва кимники саёз ва кимники мукофотга лойиқлиги аён бўлди.

Рағбатлантирувчи мукофотлардан бирига Тошкент вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти психология кафедрасидан, докторант Шоира Дўстмуҳамедованинг илмий мақоласи ҳам лойиқ деб топилди.

Қуйида докторантнинг «Бола шахсининг шаклланишида ўқитувчи ва ўқувчи муносабати таъсирининг психологик томонлари» номли ушбу мақоласини газетамиз саҳифасида чоп этишни лозим топдик.



Таълим-тарбия тизимини тубдан узгартириш, баркамол инсонни шакллантириш эртанги тақдиримизни белгилаб берувчи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Таълимдаги янгиланиш фақат ўқувчиларга янги билим, кўникма ва малакаларни беришнигина кўзда тутмасдан, балки кишининг узига, бошқа инсонга, жамиятга, давлатга, табиатга ва меҳнатга муносабат тизимини узгартиришни ҳам кўзда тутади. Узбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунида кўрсатиб ўтилганидек, демократик жамиятда инсон эркин ва мустақил фикрлайдиган қилиб тарбияланиши зарур.

Ушбу мақолани ёзишда биз ўқувчиларни эркин, мустақил фикрлайдиган, ижодкор ва тадбиркор бўлиб камол топишларига замин бўладиган мактаб таълимининг мақсад ва мазмуни, шунингдек ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатнинг психологик томонларини ўрганиш ва илмий ёритиб беришни мақсад қилиб олдик.

Кўп йиллар давомида ўқувчи шахсидаги узига хосликни умумлаштиришга, кимнингдир кўрсатмасини бажариши фаолликка, итоаткорлиги эса интизомлиликка тенглаштириб келинган. Ватанимизнинг кейинги тараққиётини белгилаб берувчи бугунги ўқувчи нафақат юқори даражада билимли, балки жисмонан ва руҳан соғлом, маданиятли, ижодкор ва тадбиркор бўлмоғи лозим. Демак, мактаб ўз фаолиятини асосан ҳар бир ўқувчининг шаклланишига қаратмоғи лозим. Бугунги кунда ҳар бир фан ўқитувчиси нафақат ўз вазифасини ўқувчиларга маълум билимларни ўргатиши, «яхши физик», «яхши химик» бўлиш эмас, балки ўз фанини ўқитиш жараёнида ўқувчи шахсининг айрим томонларини шакллантира ёки ривожлантира оладиган яхши ўқитувчи бўлиши даркор. Бир сўз билан билан айттанда, бугунги кунда таълим «шахсни ривожлантирувчи таълим»га айланиши, бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабат таълим мазмунининг асосини ташкил этиши лозим.

Қуйида шахсни ривожлантирувчи таълимнинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

1. Ўқиш жараёнини ташкил этишда ўқитувчи ўқувчининг ҳар бир инсонга хос

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Исроил давлатининг саноат ва савдо вазири Натан Шаранский билан бўлган учрашувида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил давлати делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида, сўнг Ташқи ишлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирликларига ташриф буюришиб, бу ерда ўзаро музокаралар ўтказдилар.

JUMLADA JAHON

Чеченистон ташқи ишлар вазирлиги Россия ташқи сиёсат маҳкамасидан БМТга аъзо бўлишда кўмак беришни сўраганлиги боис, Россия ташқи ишлар вазирлиги БМТга фақат алоҳида давлатлар аъзо бўлишини, Чеченистон эса Россия таркибидаги республика эканлиги ҳақида баёнот берди.

Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев парламент олдида сўзлаб, дунёда нефтнинг нархи тушиб кетганлиги сабабли республикада кенг истеъмол буюм ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларни четга чиқаришни кўпайтириш, бунинг учун солиқ тизимига баъзи ўзгартиришлар киритиш лозимлигини таъкидлади.

МАТБУОТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Узбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичида матбуот ўз вазифасини бажара олаяптими? Журналистларнинг самарали фаолиятини кафолатлайдиган қатор қонунлар қабул қилинди. Улардан қай даражада фойдаланилмоқда? Узбекистон Республикаси парламенти биносида бўлган комиссия йиғилишида шу масалалар таҳлилга тортилди.

«Халқ сўзи» газетасининг хабарига кўра, мазкур комиссия Ўзбекистон Республика Президентининг Олий Мажлис XI сессиясидаги Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган нутқи юзасидан Олий мажлис қабул қилган қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш мақсадида тузилган эди. Унинг таркибидаги ишчи гуруҳларидан бири — жамиятни янада демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари билан шуғулланади.

Йиғилишда матбуотимизнинг, журналистларимизнинг қонунлардан унумли фойдаланишлари, бунинг учун улар эски иш тартибидан қутулишлари, малакаларини оширишлари лозимлиги таҳлилдан сўнг яққол кўринди. Шу билан бирга матбуотда эълон қилинган қатор чиқишлар, айниқса, милиция ва прокуратура органлари томонидан йўл қўйилган қўпол хатолар туфайли фуқароларимиз асоссиз равишда озодликдан маҳрум этилганлиги, ҳис-ҳаяжонга берилмай, пишиқ-пухта ёритилганлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисда кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишни комиссия раҳбари, Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқарди.

Мухбиримиз

O'zbekiston — Tojikiston

ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

Аввал ҳабар берганимиздек, юртимизда Тожикистон Республикаси кунлари давом этмоқда. Бу икки ҳалқни бир-бири билан боғлаб турувчи жонбахш ришталар ҳақида узоқ гапиришимиз мумкин. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бир миллионга яқин тожик биродарларимиз яшайди. Улар республикамизнинг деярли барча вилоят, туман ва шаҳарларида жойлашган. Юртимизда 150 га яқин тожик мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон телевидениясида тожик тилида «Рангинкамон» кўрсатуви, тожик-ўзбек тилидаги «Ширу шакар» кўрсатувлари халқларимиз орасида тобора эътибор топмоқда. Республика радиоси таҳририяти «Ўзбекистон» нашриётидаги тожик тилидаги адабиётлар таҳририяти, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошидаги тожик адабиёти шўъбаси, «Ориён» тожик маданияти маркази ва бошқа қатор жамоа ва ташкилотлар ишлари йил сайин ривож топмоқда.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларининг Самарқанд вилояти меҳнат аҳли билан ўтаётган учрашувлари унитилмас воқеаларга бой бўлмоқда. Байрам қатнашчилари Самарқанд ва Тойлоқ туманларида бўлишди. «Пируз Лорч» Ўзбекистон -Эрон қўшма корхонаси, «Зармер» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси, Маънавият ва маърифат маркази ва бошқа бир қатор хўжаликларда уюштирилган мулоқотлар қизигандан-қизиди.

Дўст мамлакатнинг бир гуруҳ санъат ва маданият намоёндалари буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан вилоятда олиб борилаётган ишларни кўздан кечиришди. Улар Маҳдуми Аъзам ва ал-Бухорий масжидларини зиёрат қилишди. Шунингдек, улар Иштихон ва Каттақўрғон туманларида ҳам бўлишди.

Мамлакатимизда ўтаётган Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларидан яна бир гуруҳи Шаҳрисабзда бўлишди. Бу ердаги тарихий қадамжоларни зиёрат этишди.

Норали Аслон

АДАБИЁТ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

Jarayon

Гарчи барчага маълум бўлсада яна бир бор такрор айтмоқчимизки, Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни босқичма-босқич амалга ошира бориб, «Умумий ўрта таълим ўқув дастурларини тайёрлаш, синаб кўриш ва жорий этиш бўйича Республика комиссияси» тузилиб фаолиятини бошлаган эди. Орада ўтган шунча вақт мобайнида ушбу гуруҳлар нақадар фаолият кўрсатдилар? Бизнинг ушбу савол билан бошланган суҳбатимиз «Ўзбек адабиёти» ҳамда «Она тили» фанларининг янги ўқув дастури хусусида. Хуллас, ҳузурингизда педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев, Республика Таълим маркази Она-тили ва адабиёт бўлими бошлиғи Муҳаббат Абдураимова.

«Адабиёт яшаса миллат яшар»! Буюк Чўлпоннинг фалсафасини шарҳ этмоқ муддаосидан воқиф бўлсакда,гоҳо шундай фикр туғилади: миллат, адабиётсиз яшаса-чи? Ушбу саволларнинг жавобларини чўлпончасига ўйласак, адабиётсиз миллат - ўлади.

Бугун адабиётда «кечаги адабиёт, бугунги адабиёт» деган ажабтовур гаплар пайдо бўлди. Бир қараганда бу гапларга «ажабтовур» деб исм қўйиб бунчалик энсани қотиришга ҳожат йўқдек кўринади. Лекин унинг бугунги маъноси «кечаги хос адабиёт, бугунга хос адабиёт» деган фикрни айтиб турибди-да.

Аслида адабиётнинг марказида инсон туради. Адабиёт инсон учун хизмат қилади. Лекин ортда қолган кечаги тузум барча мезонларни бузгани каби адабиёт мантиғига ҳам «янгилик»лар олиб кирди. Энг ёмони ижодкорнинг ҳар бир хатти-ҳаракати давр характерига мослаштирилди. Яъни у замон мафкураси бўйича ҳар бир ижодкор ишчи-деҳқондан чиқса маъқулроқ бўларди. Бу дегани ижодга давр нигоҳи билан разм солинди. Ҳозиргина юқорида айтган «хосликлар» ҳам ана шундай тазйиқлар туфайли юзага келди. Бу, албатта, бугунги авлодни, энди адабиёт майдонига кира-ётганларни иккиланишга олиб келди. Бу муаммонинг оддийгина битта кўриниши, холос. Демак, олдимизда муҳим вазифамиз, керак бўлса ёш авлод олдидаги қарзимиз, адабиёт ўқитишни, фикр айтишни, сўз айтишни тўғри йўлга қўйишимиз лозим.

Дарҳақиқат, бу хил эҳтиёжлар сабаб ўқув дастурларини янгилаш шарт бўлган экан, ҳақли равишда шундай саволлар туғилади:

1.Хўш, эски дастур билан янги дастур орасидаги кескин фарқ нималарда кўринади?

2.Янги дастурда ўқувчининг фанни тезроқ

(Давоми 3-бетда).

УМИДЛИ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказида Узбекистон Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ва Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамкорлигида қизиқарли тадбир ўтказилди. Бу тадбирга икки гуруҳ ёшлар таклиф этилди: биринчи гуруҳ «Умид» жамғармаси томонидан АҚШ, Буюк Британияда ўқиб қайтган ёшлар бўлса, иккинчи гуруҳ жорий йилда Президент грантларини олишга муваффақ бўлиб, яқин кунларда чет элларга ўқишга кетаётган ёшлардир.

Дарҳақиқат, куни-кеча экилган ёш ниҳоллар бугун мевага кирмоқда. Утган йили жамғарма томонидан турли ривожланган мамлакатларга ўқишга юборилган 157 нафар талаба бугун муваффақият билан ўқимоқда. Айримлари эса аъло баҳоларга ўқиб, муддатидан илгари жонажон Ватанимизга қайтиб келмоқдалар. Бу йил Президент грантлари 400 тага кўпайди. Жамғарма мутахассислик тармоқларини кенгайтирди.Бу давлатимизнинг малакали миллий кадрларга бўлган катта эътиборидан далолатдир.

Кечада хорижда ўқиб қайтган талабалар ўз таассуротларини айтиб беришди. Ўз ўрнида бу йил ўқишга кетаётган ёшлар ҳам ҳис-ҳаяжон тўла дил сўзларини ўтирганларга ҳавола этди. Тадбирда Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларидан, «Умид», «Маҳалла», «Улуғбек» жамғармаларидан вакиллар иштирок этишди.

Энди бу каби тадбирлар ҳар вилоят ва шаҳарларда ҳам ўтказилади.

Н. ОЧИЛОВ

Amaliy kengash

ТАЖРИБА-СИНОВ МАЙДОНЛАРИ СИФАТЛИ ЖИҲОЗЛАНГАНМИ?

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра, умумтаълим мактабларининг ўқитиш дастурларини ислоҳ қилиш, тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимини яратиш вазифаси қўйилган. Яратилажак таълим дастурлари ўқувчиларнинг мунтазам билим олишини, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, асосий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантиришни, энг асосийси, мустақил ижодий фикрлашни таъминлаши лозим. Хўш, бу борада Тошкент шаҳрида тажриба майдонларида қандай юмушлар амалга оширилаяпти? Тажриба ўтказиладиган майдонлар тўла ва сифатли таъмирланиб, жиҳозланганми? Белгиланган тажриба майдонларида фаолият кўрсатадиган мутахассисларнинг, муаллимларнинг иш режаси борми? Айрим муаллифларнинг ўзларича яратаётган қўшимча (муқобил) дастур ва дарсликлари қандай баҳоланади?

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 9-мактабда ўтказилган амалий кенгашда ана шу масалалар хусусида сўз борди.

Амалий кенгашни Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев олиб борди ва тажриба синфлари муаммолари билан ҳам қизиқди. Шунингдек, унда Қори Ниёзий номидаги УзПФИТИ олимлари, республика Таълим маркази ҳамда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти методистлари, шаҳардаги барча туман халқ таълими бўлими мудирлари ва тажрибали муаллимлар иштирок этишиб, ўзларини қизиқтираётган саволларни ўртага ташлашди.

Аслида, Юнусобод туманидаги 9-мактаб кенгаш жойи этиб бежиз танланмаган. Гап шундаки, мазкур мактаб жамоасига катта ишонч билдирилган, яъни, бу ерда 7 та фан (физика (7-синф), бошланғич синф, хорижий тил ва ҳоказо) бўйича синов синфларида иш олиб борилади, жараёнда Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти билан ҳамкорлик қилинади.

Қувончлиси, мактабда тажрибага юқори савияда тайёргарлик кўриляпти. Ўтган икки-уч йил ичида чоп этилган қўлланмалар, қиёсий урганиб чиқилди, кўргазмали қуроллар йиғиляпти. Янги меъёрий ҳужжатлар синчиклаб урганилди. Бу хусуда бошлангич синф ўқитувчиси Дурдона Қодирова, инглиз тили фани ўқитувчиси Маргуба Тўхтаева, физика фани ўқитувчиси Дилором Пулатовалар ҳам атрофлича сўз юритдилар.

Синов синфлари мутахассислари, муаллимлари алоҳида таъкидлаганларидек, тажриба-синов майдони учун, энг аввало, дарслик, дастур, дарслик ишланмалари, дарслик стандартлари намуналари бўлиши керак...

Сирасини айтганда, тажриба-синов аввалида қатор муаммомалар, янгиликларни жорий этишда эса баъзи қийинчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Шу боис республика миқёсида тажриба-синов майдони ўқитувчилари семинари ўтказилса, унда уларга кўрсатма, тушунча ва тавсиялар берилса, назаримизда, бу борадаги юмушлар анча жадаллашган бўлур эди.

Курбонбой МАТКУРБОНОВ

ХАБАРЛАРИ — MMM

Ularniki o'zgacha bo'ldi

Buyuk alloma Al - Farg'oniy tavalludining 1200 yilligi respublikamizning barcha nuqtalarida o'ziga xos tarzda keng tantana qilinyapti.

Izboskan tumanidagi 17- 30-o'rta maktablarda bu bayram ko'rik-tanlov shaklida o'tkazildi. O'quvchilarning bobokalonimiz hayoti, ijodiga bag'ishlab o'tkazishgan kechasida 30-o'rta maktab o'quvchilarining tayyorgarligi, jonkuyarligi tengdoshlarinikidan zo'rroq chiqdi.

Shuhrat Keldiev

Qo'qonda she'riyat bayrami

O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan xalq ta'limi xodimi iste'dodli shoir To'lan Nizomning Muqimiy nomidagi Qo'qon Davlat pedagogika institutida va Zohidiy nomidagi Qo'qon pedagogika bilim yurtida o'tkazgan ijodiy uchrashuvlarini adabiyot ixlosmandlari ehtirom bilan qarshiladi. Mezbonlar ijodkorning mustaqilligimizning tolmas kuychisi bo'layotganligini g'ururlanib ta'kidlashdi.

Kecha ishtirokchilaridan professor Naim Karimov, adiblar Muhammad Ali, Olimjon Xoldor va boshqalar T. Nizom ijodining hozirgi adabiyotimizdagi munosib o'rni xususida gapirishdi.

Talabalar shoir ijod namunalaridan yod aytishdi.

Muqim QODIRIY

Yangi binoda o'qishadi

Ohangaron tumanidagi 4 - mexanizatsiyalashgan ko'chma jamlamaga Farrux Mirzaev rahbar etib tayinlangach, ancha yillardan beri tashlab qo'yilgan 38 - maktabning yangi binosi qurilishidagi ahvol keskin o'zgardi.

Qurilishga darhol 18 million so'm mablag' ajratildi. Yillab qilinmagan ishlar oz fursatda maromiga yetkazildi.

Kelayotgan o'quv yilini maktabning 508 o'quvchisi yangi maktab binosida boshlashadi. Bu holning ro'y berishiga hatto qurilishning kelib - ketuvchi rahbarlari tufayli ishonchini yo'qotayozgan ota - onalar, o'qituvchilar ham ishonishyapti.

Mo'min Qayum

Tez va soz

O'quv yilining muvaffaqiyati ko'p jihatdan yangi o'quv yiliga qanday tayyorgarlik ko'rilganligiga bog'liq. Shuni nazarda tutib Dang'ara tumanidagi 39-o'rta maktabni yangi o'quv yiliga tayyorlash ishlariga barvaqt kirishilgan edi. Qisqa vaqt ichida 25 ta sinf xonasi, kutubxona, oshxona, sport maydonchasi ta'mirlanib, yangi o'quv yiliga taxt qilib qo'yildi.

Ta'mirlash ishlarida M.Mamatqulova, M.Turdialieva, K.Mamatohirova, M.Madumarov singari o'qituvchilar faollik ko'rsatishdi.

Toshpo'lat TUSNAZAROV

MMM — ХАБАРЛАРИ

Bolalarni o'ylab

Bahoriston tumani agrosanoat majmui xodimlari kasaba uyushmasi bolalarning yozgi dam olishlarini namunali o'tkazish yuzasidan aniq tadbir-rejalar ishlab chiqishgan. Unga ko'ra 3 guruhda 320 bola turli oromgohlarda dam oladilar. Ayni kezlarda Ykkabog' tumanidagi «Mayna Hasanova» nomli o'quvchilar oromgohida 80 nafar bahoristonlik bolalar hordiq chiqarishyapti.

Asror QILICHEV

Taqriz

ИСЛОМ: ЖАМИЯТ ВА ЭЪТИҚОД

Сўнгги йилларда халқаро майдонда диний уйғониш жараёни сезиларли тус олаётгани, турли диний гуруҳлар, секталарнинг фаоллашгани, айрим ҳолларда уларнинг сиёсийлашуви, ҳатто миллий ҳамда минтақавий можаролар келиб чиқишига сабаб бўлаётгани кузатилмоқда. Ер юзининг турли минтақалари, жумладан, МДҲ давлатларининг айримларида ўзини намоён этаётган бу жараён И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» номли китобида ўз ифодасини топган: «Коммунистик мафкура маънавий қашшоқлиги, фанатизми ва миллатларга қарши қаратилганлиги билан шўро ҳокимиятидан кейинги маконда диний фундаментализм ва анъанавийлик учун шароит яратди. Ислом динидагина эмас, балки яҳудийлик, христиан конфессиялари - рус православ, Рим-католик, Армангригорян, Лютеран черковларида, баптистлик ва бошқа жамоаларда ҳам шу ҳол рўй берди».

Табиийки, нима учун сўнгги йилларда диний сабаблар туфайли фуқаролараро, миллатлараро, ҳатто давлатлараро ихтилофлар келиб чиқмоқда? Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашр этилган бир гуруҳ таниқли олимлар ва ёзувчиларнинг мақолаларидан тартиб берилган «Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик» (Тошкент, 1998 йил) тўплами ушбу муаммонинг айрим жиҳатларини ёритишга қаратилган.

Тўпламдаги «Дунёвий жамият ва дин», «Маънавиятимиз ildизлари ва ислом», «Ислом ва маънавий камолот», «Бир болага етти маҳалла ота-она» ва «Ақидапарастлик манбалари» мақолалари қизиқиш билан ўқилади. Уларда аниқ факт ва мисоллар билан асосланган илмий, назарий, фалсафий фикрлар ўртага ташланган. «Дунёвий жамият ва дин» мақоласида айрим мамлакатларда давом этаётган қонли урушлар туфайли ҳаётдан эрта кўз юмган минглаб бегуноҳ одамлар, ўз юртини ташлаб сарсон-саргардон бўлиб юрган қочоқлар ҳақида куйиниб сўз юритилади. Дарҳақиқат, бир миллиондан ортиқ афғон қочоқлари Эронда ниҳоятда қийин аҳволда яшаётгани, Жазоирда сўнгги 6 йил ичида 80 минг кишининг ўзаро урушлар туфайли қурбон бўлгани, Тожикистондаги биродаркушлик — булар барчаси XX аср фожеалари эканини жаҳон халқлари яхши билади. Айрим кўшни давлатларда содир бўлаётган даҳшатли воқеаларнинг келиб чиқишини ўрганар эканмиз, биз — Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша огоҳ ва сергак бўлишимизни давр талаб қилаётганига яна бир бор инонамиз. Бу борада Наманган воқеалари сабоқ бўлмоғи керак.

«Маънавиятимиз ildизлари ва ислом» мақоласида «ваҳҳобийлик»нинг келиб чиқиши, бошқа мамлакатларга ёйилишини қизиқарли баён қилиб, муаллиф ёзади: «Кимда-ким, кимларнингдир ноғорасига ўйнаб, асрлар оша шаклланган маҳаллий - исломий қадриятларимизга нисбатан беҳурматлик қиларкан, у ўзини жамиятга қарши қўяётганини билармикан?! Афсуски, баъзи масжид имомлари «ваҳҳобийлик»нинг ёшлар ўртасида ёйилишига ҳомийлик қилдилар ёки ваҳҳобийларча намоз ўқишга лоқайд, бефарқ муносабатда бўлдилар.»

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий урф-одатлари, кийиниш маданияти мавжуд. Марказий Осиёга ислом кириб келганидан сўнг, маҳаллий аҳоли араблар кийимини кийиб юришни одат қилмаган. Китобдаги айрим мақолаларда миллий қадриятларнинг ажралмас қисми бўлган ушбу муҳим масаланинг айрим қирраларига эътибор берилган.

«Бир болага етти маҳалла ота-она» мақоласи бадиий-публицистик руҳнинг омухталиги билан ажралиб туради. Унда ишончли далиллар асосида ваҳҳобийликнинг майдонга келиши, турли халқлар ўртасида миллатчиликни авж олдириш, исломни ичидан бузиш мақсадида ҳар қандай разилликдан қайтмаслиги очиб ташланган. «Ақидапарастлик манбалари» мақоласида эса ҳанбалий мазҳабининг шаклланиши тарихи, ундан ўсиб чиққан «ваҳҳобийлик» оқими ҳақида қизиқарли мулоҳазалар айтилган.

Баъзи диний оқимлар «раҳнамолари» Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилигини исломга эътиқод қилса-да, дунёвий давлат қуриш тарафдори эканлиги билан ҳисоблашмайдилар. Улар «соф исломга қайтиш, ислом анъаналарига риоя қилиш» шиори остида улуғ боболаримиз яратган маданий меросдан воз кечиш, нақшбандия, яссавия, кубровия тариқатларини ўрганмасликка чақирадилар. Ваҳоланки, Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон қадимдан мусулмон маданияти марказларидан ҳисобланган. Ислом халқимиз тарихи, турмуши, дунёқараши ва ўзига хос урф-одатлари, маросимлари шаклланишида муҳим ўрин тутган. Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор Вали, Нажмиддин Кубро, Муҳаммад аз-Замахшарий, Газзолий, Сўфи Оллоёр каби алломалар ислом оламида машҳур зотлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясида янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги»ги қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат диний эътиқод эркинлиги борасида халқаро талабларга жавоб беришини алоҳида таъкидлашни истар эдик.

Бир гуруҳ олимлар ва ёзувчиларнинг мақолаларини жамлаган «Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик» номли китоби олий ўқув юртлари, ўрта мактаб ўқитувчилари, умуман, зиёлилар учун муҳим қўлланма бўла олишига аминмиз.

Иброҳим ХЎЖАМУРОДОВ,
Тошкент давлат Аграр университети, профессори, фалсафа фанлари доктори,
Раъно ИМОМАЛИЕВА, фалсафа фанлари доктори, профессор,
Неъматулла САЪДУЛЛАЕВ, филология фанлари номзоди, доцент

ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ МУНОСАБАТИ

ёхуд унинг бола шахси шаклланишидаги ўрни хусусида

(Боши 1-бетда)

ралиш, ўзини шахс сифатида ҳис қилиши,бошқалар эътиборини қозониш, атрофдагилар томонидан етарли баҳо олиш эҳтиёжига тула асосланиши ва уларни ривожлантириши лозим.

2. Шахсни шакллантириш бошқалар намунаси ёки ўрнаги асосида эмас,балки ўқувчининг ўз ақлий, амалий фаолияти натижасида шаклланиши лозим.

3. Ўқувчи ўқитувчи учун ўқитиш объектигина бўлмасдан, балки фаолият субъекти ҳам бўлиши зарур.

Демак, ўқувчининг ўз ижобий томонларини ҳис қила олиши, кўра олиши ва ўзгаларга кўрсата билиши шахсни ривожлантирувчи таълимда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги муносабат ўзаро боғланган жараёнлар мажмуаси бўлиб, боланинг шахс сифатида шаклланиши ҳамда келажак ҳаётини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади. «Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат қандай?», «Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат ўқувчи шахси ривожига қандай таъсир кўрсатаяпти?» каби саволларга жавоб олиш ҳамда ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан бўладиган муносабатларига, шунингдек, шахсни ривожлантирувчи таълимга бўлган муносабатларни аниқлаш мақсадида 1996-98-йиллар давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида махсус тест-суровномалари ўтказилди. Жавоблар ҳозир мактабларимизда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида авторитар муносабат ҳукмронлигини, ўқитувчи ўзининг асосий вазифасини ўқувчиларга академик билимларни беришда деб билиши, кўп ўқувчилар ҳам ўқитувчилари билан муносабатдан, шунингдек, синфда эгаллаган мавқеларидан қониқмасликлари, бунга эса ўқитувчилари сабабчи эканликларини кўрсатди. Авторитар ва демократик услубдаги ўқитувчиларнинг дарс ва дарсдан ташқари фаолиятларини кузатиш натижаларига кўра, ўқувчилар билан ўқитувчиларнинг одатда мажбурий, қаттиқ талабларни қўйиш, интизом қоидаларига тўла риоя этиш (ўқитувчига буткул итоат этиш, дарс вақтида асосан жим ўтириш, саволларга, албатта, қўл кўтариб, ўқитувчининг рухсати билан жавоб бериш, ўқитувчининг кўрсатмаларини сўзсиз бажариш ва ҳ.к)ни талаб қилишларини кўрсатди. Бундай ўқитувчилар ўқувчиларнинг қизиқишларини, лаёқат, хоҳиш-истакларини ҳисобга олмайдилар, асосан ўқув режасига амал қиладилар. Машғулотларни фақат ўзларининг фикрлари ва хоҳиш-истаклари асосида режалаштирадилар. Натижада дарс жараёнида мунозара, баҳс учун етарли имконият берилмайди, дарс давомида кўпроқ ўқитувчининг ўзи гапиради. Бу услубда ишловчи ўқитувчилар учун ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари эмас, балки ўзлаштиришлари, таълим жараёнида ўқувчи шахсини шакллантириш эмас, балки фан асосларини ўргатиш, чуқурроқ билим бериш аҳамиятлидир. Бу услубда ишловчи ўқитувчилар синфни қаттиққўллик билан бошқариб, ўқувчининг ўзигагина хос бўлган баъзи психологик хусусиятларни назардан четда қолдирадилар. Натижада уларнинг ўқувчилари мустақил фикрлай олмайдиган, бировнинг кўрсатмасига кўра иш юритадиган, ўзига паст баҳо берадиган, камгап, пассив, тортинчоқ, кўп ҳаяжонланадиган бўлиб қоладилар. Тадқиқот натижалари бўйича, демократик услубда ишловчи ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг ёш, психик хусусиятларини яхши билишлари билан ажралиб турадилар. Болалар қандай бўлишидан қатъий назар, улар билан фақат бир хил яхши ва дустона муносабатда бўладилар. Уларнинг фикрича, ўқувчи секин узлаштиргани ёки қайсарлик қилгани учун тўлалигича айбдор эмас. Ўқитувчи бундай болаларнинг муваффақиятига ишонади, ўқувчиларни ҳам ишонтира олади. Дарс давомида уларнинг ўз-ўзини бошқарувига кўпроқ имконият яратади ва турли усуллар орқали мустақил фикрлашларини ривожлантиришга ҳаракат қилади. Демократик услубда ишловчи ўқитувчилар ўтилажак дарс режасини тузишда тасдиқланган ўқув режасидан ташқари ўқувчиларнинг қизиқиш, эҳтиёж ва лаёқатларини ҳисобга оладилар. Шахсни ривожлантирувчи таълимнинг юқорида кўрсатиб ўтилган принципларига амал қилган ҳолда дарс ўтадилар.

Мактаб ўқитувчиларининг кўпчилигини авторитар услубда ишлаши сабабларини кўрсатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ўқитувчининг кўп йиллар давомида мавжуд авторитаризм тизими заминида тарбия топганлиги;

2. Таълим тизимида ўқувчиларга кўпроқ академик билимлар берилишининг устивор бўлганлиги;

3. Ўқитувчиларда психологик билимларнинг етишмаслиги;

4. Ўқитувчиларда ўқувчи шахси ривожланишини диагностика қилиш малакасининг камлиги;

5. Ўқитувчиларнинг индивидуал психологик хусусияти (ўз шахсини устун қўйиш, айтганини қилдиртириш, қаттиққўллик ва ҳ.к.).

Утказилган синов асосида мақсад шахсни ривожлантириш бўлган ўқитувчиларнинг ўқувчиларида бугун давримиз ва келажак талаб қилаётган шахсий хусусиятлар—ижодкорлик, билимдонлик, тадбиркорлик, ўз-ўзини етарли даражада баҳолай билиш каби сифатлар шаклланганини аниқланди.

Қуйида ўқитувчилар учун биз шахсни ривожлантирувчи таълим бўйича бир қатор методик тавсиялар берамиз.

Дарс ўтиш жараёнида ўқув материалининг маълум бир қисми ўқувчилар томонидан мустақил ўрганилади(якка, жуфт-жуфт ёки гуруҳ бўлиб), сўнгра бу материал синфда ҳар томонлама муҳокама этилади. Амалий ишлар ҳам шу тариқа бажарилади. Баъзи ўқувчиларга мустақил ишлаш учун карточка ҳам бериш мумкин. Ўқув жараёни шундай ташкил этилиши керакки, бунда ўқувчилар ўқиётганликларини, муаллим уларга ўқиш ва ўрганишлари учун ёрдам бераётганини англасинлар. Ўқитувчи ўқув жараёни ташкилотчиси, раҳбари, назоратчи ҳамдир. Ўқувчининг синфда ўзини эркин ҳис қилиши, шунингдек, ўқув фаолияти уни эмоционал жиҳатдан қониктириши, айни вақтда фаолият ундан етарли лаёқат ва куч талаб этишини ҳис қилувчи шароит яратиши лозим. Бунинг учун биринчидан, ўқув жараёни муаммоли асосда тузилиши, яъни узаро боғлиқ бўлган масалалар тизимини ечишга ўргатиш керак. Бу ўринда ўқитувчи фақат қўйилган масалалар муҳимлигини асослаб унинг мазмунини тушунтириб беради. Ўқувчилар эса якка ёки жамоа бўлиб қўйилган масалаларни ечиб, ечимнинг бошқа йўлларини муҳокама қиладилар. Хулосаларни аниқлаб, янги муаммоларни ечиш учун имконият яратадилар. Бу борада ўқитувчиларнинг муаммо ва масалалар ечимидаги умумий услубларни аниқлай билишлари масалаларнинг ахлоқий ва эстетик томонларини ҳам тадбиқ эта олишлари жуда муҳим.

Иккинчидан, ўқувчилар фаолиятини кундалик баҳолаш ва ҳисобга олиб бориш гуруҳ бошлиқлари ва ўз-ўзини бошқаруви томонидан олиб борилиши зарур. Бу турлича ташкил этилиши мумкин. Ўқитувчи мавзуларни ўргатиш жараёнида ўқувчилар билимини фронтал текширув йўли (ёзма контрол, диктант, тест, баён, иншо) билан аниқлаши мумкин. Анъанавий доска олдидаги оғзаки суров шахсни ривожлантирувчи таълимда деярли қўлланилмайди. Ўқитувчининг ушбу вазифаси асосан гуруҳ раҳбарларига берилган бўлиб, ҳар бир бўлим сўнгида гуруҳ уларнинг ўқувчилар билимларини узлаштириш даражалари ҳақидаги фикрлари ҳамда ўқувчиларнинг узларига қўйган баҳолари муҳокама этилади. Ушбу методик тавсиялар ўқув жараёнининг турли босқичларида ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда турлича тадбиқ этилади.

Умуман, шахсни ривожлантирувчи таълим бўйича утказилган тадқиқот ишлари мактабнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда яхши самара беришини кўрсатди. Юқорида зикр этилган фикрларга асосланиб, тубандаги хулосаларга келиш мумкин:

1.Мактаб таълими шахсни ривожлантирувчи таълимга айланмоғи шарт.

2.Шахсни ривожлантирувчи таълимнинг асосида ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш ётади.

3.Ўқитувчининг ўқувчиларга бўлган муносабати уларнинг ижодиётига, тафаккурига,билиш фаоллигига, мустақиллигига кенг йўл очиши зарур.

4.Ўқувчи бажарган иш натижаси яхши бўлмаса ҳам уни кечаги бажарган ишига нисбатан силжиш борлиги учун рағбатлантириш, ўз навбатида керакли натижага қандай эришиш мумкин эканлигини кўрсатувчи аниқ кўрсатмалар берилиши мақсадга мувофиқдир.

5.Ўқувчиларнинг ўз иш натижалари ва тенгдошларининг иш натижаларини тўғри баҳолашга ўргатиб бориш ҳам таълимий, ҳам тарбиявий аҳамият касб этади.

6. Ўқувчи ўқитиш объектигина бўлиб қолмасдан, балки ўз фаолиятининг субъектига айланиши зарур.

Ш. ДЎСТМУҲАМЕДОВА

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Россия ҳукумати ва мамлакатнинг энг катта газ монополиячиси «Газпром» келишувга эришган. Бу ҳодиса ташкилотнинг давлатга солиқ тўламаслиги устидан чиққан жанжал якуни бўлди.

***

Туркия янгиликлар агентлигининг хабарига кўра, полиция Эрон чегарасидан ядровий моддаларни ноқонуний олиб ўтувчиларни қўлга туширган.

***

Афғонистонда толиблар маъмуриятининг билдиришича, ёрдам берувчи чет элликларнинг бир бинода яшашлари ҳақидаги қарор муҳокама этилмайди.

***

Эрон маъмурияти эллик тонна гиёҳванд моддаларни ёқилиб ташлаши намойишини уюштирмоқда. Бу моддалар ичида бир тонна героин ҳам бор.

***

Чех республикаси мусулмонлари бугун илк бор бомдодларини янги масжидларда ўтказишди. Мамлакатнинг иккинчи энг катта шаҳри Брнода чех анъанадорларининг қаршилигига қарамасдан бу масжид қурилди.

Ҳисобларга кўра, Чехияда йигирма минг атрофида мусулмон яшайди.

Лондон, «Би-Би-Си»

БОЛА МЕҲНАТНИ СЕВСА...

Бола тарбиясида энг кўп диққат этилиши ва эътиборга олиниши лозим бўлган нарса уни кичкина вақтидан бошлаб ишга ўргатишга, буюрилган ишни тўла-тўкис бажаришга одатлантиришдир. Кичкина болага буюрилган иш аҳамиятсиз, ҳатто иш номини олишга лойиқ бўлмаса ҳам келгусида унинг келтирадиган фойдаси жуда зўрдир. Чунки бундай ишлар болага меҳнатни севишни ўргатади, чин кўнгилдан ишга берилиш қувватини тарбия этади, мустақил равишда иш олиб бориш кучини тараққий эттиради. Бу уч нарса дунёда яшашнинг асосидир.

Ёши улғайган сайин бола бир ишга мустақил равишда киришиб, у ишда ўзини масъул ҳисоблайди, ишини камчиликсиз, тўла-тўкис бажаришга киришади, яшаш учун меҳнат қилиш ғайрати билан ишлаш кераклигини сезади.

Агар болада ишга муҳаббат туйғуси пайдо бўлса, у энди ота-онасига ёки акасига эмас, балки ўз кучи-қувватига, фаолиятига таяниб ишга киришади. Дунёда роҳат ва фароғатда яшаш ҳар кимнинг ўз саъйи-ғайратига боғлиқ эканига имон келтиради.

Ишни ўз вақтида бажаришга, бугунги ишни эртасига қолдирмасликка болани ёшлик вақтидан бошлаб кўниктирилмаса, у болалик даврини битириб, ҳаёт майдонига қадам босганидан кейин иш унга жуда оғир туюлади. Бу жиҳатга болалик вақтидаёқ диққат қилиш лозимдир.

Хулоса: болани ишга ўргатгандан кейин эътиборга олинадиган нарса уни белгиланган бир ишни ўз вақтида ишлаб битиришга одатлантириш лозимдир.

Р. БОЛТАБОЕВ,
Нукус шаҳри

ПЕДАГОГИКА МАЗМУНИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти «Университет» мақомини олгандан бери ўз иш мазмунини, услубини, тизимини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш йўлида қатор ишларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Кенг жамоатчиликка маълумки, Педагогика университети баркамол авлодни тарбиялашда, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қайд этилган муаммоларни ҳал этишда салоҳиятли ўринга эга бўлиши керак. Шундай экан, Педагогика университети олдида турган долзарб муаммолардан инсоннинг мавжудлиги унинг ривожланиши эканлигини чуқур англаган ҳолда, айнан шу тараққиётни таъмин этувчиларни тайёрлашда тафаккур ва амалиётни узвий боғлаб, уни мақсад сари йўналтирувчи, пировард оқибатда таълим-тарбия жараёнининг сифат кўрсаткичларини белгилаб бера оладиган педагогика фанининг методологик асосини яратишдан иборатдир.

Умуман таълим-тарбия муаммолари инсоннинг билиши, шахснинг табиий ва ижтимоий жараёнларни англаб етиши билан боғлиқ. Зеро, педагогика фани шахснинг ҳам ботиний, ҳам зоҳирий қобилиятларини намоён этишга шароит яратади ва уни фаоллаштириш имкониятини беради.

Мана шундай масъулиятли вазифалар, хусусан, педагогика фанининг долзарблигини янада оширади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети «Педагогика назарияси ва тарихи» кафедрасининг ташаббуси билан Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ва Жаҳон тиллари университети педагогика кафедралари ҳамкорлигида ўтказилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини ҳаётга татбиқ этишда «Педагогика кафедраларининг вазифалари» мавзуида илмий-назарий семинарда ҳар уччала кафедраларда мазкур қонунлар асосида олиб борилаётган ишлар ва келажакда амалга оширилиши лозим бўлган режалар ҳақида фикр алмашинилди. Университетнинг проректорлари М. Тўхтахўжаева, А.Абдуқодировлар мазкур семинарда сўзга чиқишиб, педагогика кафедраси олдида турган энг долзарб муаммолардан бири, аввало, педагогика фанининг фан сифатидаги обрўсини тиклаш, концепциясини ишлаб чиқиш, дарс жараёнида анъанавий усулдан ноанъанавий усулларга ўтиш, педагогика фанининг ғояси, йўналиши, вазифаларини белгилаб олиш лозимлигига асосий эътиборни қаратишди.

Семинарда ТДПУнинг докторант Ш.Авазовнинг мазкур мавзу юзасидан билдирган фикрлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, у шундай дейди: То шу кунга қадар, педагогика фани предметига «тарбия» деб қараб келинди. Аслида эса педагогикани шахснинг динамикаси, яъни назаримизда шахснинг ўсиш ва ривожланиш суръати дея тушунмоқ керак, худди шунингдек, педагогик тушунчаларда ҳам аввалгидек 3 та эмас, балки 5 та асосий фундаментал тушунчалар, яъни: камолот, таълим / ўқитиш, маълумот/, ўқиш /билим, малака, кўникма/, ривожланиш /гигеник, социал/, тарбия бўлиши керак, деган фикрларни ўртага ташлади.

Умуман семинарда бугунги кун талабидан келиб чиқиб, педагогика кафедралари олдида турган қатор вазифалар, яъни биринчидан, педагогика фанининг фан сифатида обрў-эътиборини кўтариш, иккинчидан, педагогика фанининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида педагогика фанининг мақсади, вазифаси ва инсон тарбиясидаги ўрнини замон талабига мослаштирилган ҳолда қайта белгилаш; учинчидан, педагогика ҳақидаги маълумотларни, тушунчаларни қайтадан кўриб чиқиш; тўртинчидан, бугунги кунда талабларга сингдирилаётган мавзуларни талабаларнинг руҳий қуввати билан боғлиқ бўлган жиҳатларига, аниқроғи, зукколикка, фаҳм тезлигига, зеҳн равшанлигига, билимни тез эгаллаш қобилиятини ривожлантириш, масалани чуқур англашга, ёдлаш қобилиятини ўстиришга ва ниҳоят, хотирасини мустаҳкамлашга қаратмоқ лозим; бешинчидан, таълим жараёнининг маҳсулдорлигини оширишга хизмат қиладиган амалий машғулотларни ўтказиш юзасидан услубий тавсиялар, ишланмалар ишлаб чиқиш; олтинчидан, педагогика фанидан бугунги кун талабига жавоб бера оладиган дарслик ва дастурлар яратиш; еттинчидан, педагогика фанининг методологик асосларини аниқлаб олиш; саккизинчидан, педагогика фани бўйича илмий лабораториялар ташкил этиш; тўққизинчидан, грантлар олиш учун янги-янги замонавий тадқиқотлар қўламини кенгайтириш ва бошқаларга эътиборни қаратиш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

М.ИНОМОВА,
Тошкент Давлат педагогика университети «Педагогика назарияси ва тарихи» кафедраси доценти

КИЧКИНА МАКТАБНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

ёхуд бозор иқтисодиёти шароитида қўшимча маблағ топаётган ўқув даргоҳи тўғрисида

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Ҳамид Олимжон номли 29-мактабда ибратли ишлар қилинаётганлигини эшитиб, илм масканига йўл олдим. Туманнинг «Янгийўл» қишлоғида жойлашган бу мактабда 400 га яқин ўқувчилар таълим олишаётган экан. Ўзи кичкина мактаб бўлса-да, қилаётган ишлари жуда катта. Мактабга икки гектарча жой тегишли бўлиб, у жойдан мактаб жамоаси унумли фойдаланишмоқда. Масалан, бундан 2 йилча муқаддам мактаб жамоаси ҳашар уюштириб, иссиқхона қуришди. Бу ишда уларга ўқувчилар яқиндан ёрдам беришди. Иссиқхонага кўплаб чиннигул экилиб, уларнинг фойдасига мактаб камчиликлари тўлдирилди. Иссиқхонада асосан ўқитувчиларнинг ўзлари меҳнат қилишади. Юқори синф ўқувчилари ҳам қўлларидан келганича ўз ёрдамларини аяшмайди. Иссиқхонада етиштирилган гулларнинг дастлабки 200 минг фойдаси мактабни таъмирлашга ишлатилди. Ундан ортган пулга эса мактаб хотираларини тасвирга олиш учун видеоиккилик олинди. Утказилиб туриладиган бошқа тадбирлар ҳам мана шу даромадлар эвазига уюштирилмоқда. Масалан, яқинда кўп йиллардан буён ўқитувчилик қилиб кела-ётган Т. Тўлабоеванинг 60 ёшлик юбилейи мактабда тантанали ўтказилиб, эсдалик учун видеотасвирга ёзиб олинди.

— Худо хоҳласа, эндиги даромаддан мактабга видеокамера олмоқчимиз, — дейди мактаб директори Зуҳриддин Одилов. Зуҳриддин ака бу мактабга 1991 йилдан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. Собиқ директорлар охирига етказмаган ишларнинг ярмидан кўпини тиклади. Мактабда сув иситгич ускунаси қурилди. Ўқитувчиларга томорқа ажратиб берилди. Ердан ўқитувчилар даромад қилишмоқда. Мактаб теварагига 2000 ниҳол туп терак экилди.

Ўқитувчиларнинг маоши ҳам ёмон эмас – ойига 5000-5500 сўм атрофида ойлик олишади. Мактаб директори жамоа хўжалиги билан келишиб, уй-жой масаласида қийналаётган ўқитувчиларга қурилиш материалларидан ёрдам уюштирянпти. Бу ишларда маҳалла қўмита раиси Суннатулло Мақсудовнинг ҳам ҳиссаси катта.

Маълумки, ҳозир дарсликларни ўқувчиларнинг ўзлари сотиб олишларини давр талаби тақозо этяпти. Бу ишлар юзасидан мактаб босмахоналар билан шартномалар тузиб китобларни ўқувчиларга етказиб беришмоқда. 5-синф дарсликлари тўлиқ олиб бўлинди. Ўқувчилар ва ота-оналар мактабнинг бу ишидан жуда хурсанд. Чунки улар энди дарслик қидириб овора бўлишмайди.

Мактабда немис тили фани чуқур ўргатилади. Туман бўйича бўлган немис тили олимпиадасида ўқувчилар биринчи ўринни эгаллашди. Немис тили ўқитувчиси Дилфуза Абдувоҳидованинг қизиқарли дарсларини ўқувчилар катта қизиқиш билан тинглайдилар. Мактабда спортга ҳам эътибор жуда катта. Болаларнинг футбол маҳоратларини оширишлари учун катта ўйингоҳ қурилган. Яқинда 11-12 ёшлилар ўртасида ўтказилган мусобақада болалар туманда биринчи бўлишди.

Мактабнинг ибратли ва намунали ўқитувчиларидан таълим олган ўқувчиларнинг кўпи мактабни битиргач, турли олий ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришмоқда. Бу йилги битирувчилардан ҳам умид катта. Эндиги мақсад, мактабнинг анчадан буён битмай келаётган ёпиқ спорт залини тугатишга қаратилган. Ушбу иншоотни битказишга ҳокимият ҳамда мактаб ҳомийси ҳисобланган туман йўл қурилиш бошқармалари ҳам ёрдам беришга аҳд қилишган.

Ҳомийлар мактабнинг бошқа муаммоларига ҳам ёрдам бериб туришади. Улар учун ўқувчилар ўз навбатида металл парчалари йиғиб беришади. Кўриниб турибдики, ўзаро ҳамкорликдан сих ҳам, кабоб ҳам куяётгани йўқ. Хуллас, 29-мактабнинг ишлари оммалаштиришга арзигулик.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА.

Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

???

Биз ўқитувчиларга Президентимиз Фармонига кўра, 1996 йил январь ойидан бошлаб берилиши лозим бўлган 15 фоиз миқдоридаги рағбатлантириш маошларини 1996 йил ҳисобига амал-тақал қилиб олдик. Лекин 1997 йил учун бундай маошлар ҳалигача бериб бўлинмади. Вилоят халқ таълими бошқармасидагиларнинг фикрича, бу пул ишлатилмасдан банкда туравериши мумкин эмиш. Буни қандай тушуниш керак?

Ўқитувчиларга ўн учинчи маош тўланадими?

ЭҲМ ўқитувчиларига 12 фоизлик қўшимча бекор қилингани тўғрими?

Урганч туманидаги 8-мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари

!!!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги қарорига асосан, ҳар бир муассаса ва ташкилотларда иш ҳақи фондининг 15 фоиз миқдорида ишчиларни рағбатлантириш махсус фонди ташкил этиш лозим. Шу билан бирга ҳукумат томонидан белгиланган миқдор ўзгариши мумкин. Махсус фондда кўрсатилган маблағ иш жараёнида ўзини яхши томонлама кўрсатган, таълим-тарбия сифатини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшган ходимларга ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда белгиланади. Иш сифати пасайганлиги ёки белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажармаганда бу қўшимча бекор қилиниши ёки камайтирилиши мумкин. Муассаса ишчиларига ёки алоҳида ходимга юқорида айтилган рағбатлантириш ёки қўшимча белгилашни ўз ичида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Бу фондни ташкил этиш учун керакли маблағ тегишли молия бўлимлари томонидан ажратилиши лозим. Маблағ ажратилмаган ҳолларда маҳаллий ҳокимиятларга мурожаат қилишингиз керак.

Давлат сармоясидаги муассасаларда ўн учинчи маош ҳисобга олинмайди, чунки бу мақсадлар учун халқ таълими тизимига маблағ ажратилмайди. Юбилей кунлари муносабати билан рағбатлантириш, фақат 15 фоизли махсус фонд, иш ҳақидан иқтисод қилинган ва сармоядан ташқари ишланган маблағлар эвазига тўланиши мумкин.

Сўнгги саволга изоҳимиз шундан иборатки, 1995 йил 21 декабрь 162-1 сон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган «Меҳнат кодекси»га ва Меҳнат Вазирлигининг 1996 йил 17 июнь 770/04-2 сонли тушунтириш хатида 1996 йил 1 апрелдан бошлаб мураккаб иш шароитлари учун тўланадиган қўшимчалар ҳисобга олинмайди. Шу кундан бошлаб информатика ўқитувчиларининг ЭҲМда амалий соатлар ўтказиш ўқув жараёни давомида кимёвий моддалар билан ишлаганлиги учун тўланадиган қўшимчалар бекор қилинади.

* * *

Муштарийларимизни қизиқтирган бу саволга Республика Халқ таълими вазирлиги режа ва молия Бош бошқармаси меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Н.М. Нестерова жавоб берди.

Ma'rifat maskani

АКАДЕМИЯНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Биз узоқ йиллар мобайнида жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, буюк фазилатлар соҳиби бўлган боболаримиздан ётсираб яшаб келдик. Собиқ тоталитар тузум мафкураси тарихни унутишга, ўтмишни қоронғу қилиб кўрсатишга қаратилган эди. Шу боис мустабид тузум тазйиқи остида улуғ аждодларимиз тарихи ва фаолиятини холис ўргана олмадик. Ҳозиргача АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Покистон каби жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида шарқшунос олимлар томонидан жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига тамал тошини қўйган даҳоларимиз фаолияти чуқур ўрганилган ва ўрганилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан, ҳамда, Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли юртимиздан чиққан буюк зотлар сиймоси қайта тикланди, муборак номлари дилимиздан чуқур жой ола бошлади. Сўнгги йиллар ичида буюк боболаримиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Баҳовуддин Нақшбанд каби сиймоларнинг қутлуғ саналари халқаро миқёсда нишонланди. Биз қисқа давр мобайнида чинакам маърифатга, эзгуликка юз тутдик, қадриятларимизни ўрнига қўя бошладик.

Ота-боболаримиз ақлзаковатининг боқий ҳайкаллари - Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланиши ҳам шу эзгу ишларнинг мантиқий давомидир. Бу каби тадбирлар ҳар бир фуқарони, ёшларимизни маданий меросимизни қадрлашга, кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга, ифтихор қилишга, ундан мадад ва ибрат олишга, буюк тарихимизни англашга, юртдошлар қалбида миллий ғурур туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Бу қадимий шаҳарларнинг 2500 йиллиги жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрни ҳисобга олиниб, халқаро миқёсда нишонлангани, аввало, истиқлол шарофати, қолаверса, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги юксак обрўйидан далолатдир.

Хива шаҳрида ўтказилган тантаналар чоғида юртбошимиз И.Каримов инсоният тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Маъмун академиясининг Хоразм ерида минг йиллар олдин барпо этилгани билан чексиз фахрланишимиз лозимлиги ва академияни Хива шаҳрида қайтадан ташкил этиш тўғрисида айтган гапларини халқимиз кўтаринки руҳ билан кутиб олди. 1997 йил 11 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони билан Хива шаҳрида Хоразм Маъмун академияси — Республика Фанлар академиясининг минтақавий бўлими очилди. Академиянинг қайтадан ташкил қилиниши Хоразмнинг бой тарихий анъаналарини ўрганиш, қадриятларини тиклаш борасида муҳим воқеа бўлди.

Бу тадбирдан кўзланган асосий мақсад Ватанимиз илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илм-фан ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақада фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантиришдан иборатдир.

Фармондан сўнг тез-орада эълон қилинган Республика фанлар академияси Президиумининг фармойишига биноан ишчи гуруҳи тузилди. Хоразм Маъмун академияси Низоми, штатлар жадвали, сарф-харажатлари аниқланди ва тасдиқланди, асосий илмий йўналишлари белгиланиб, илмий-тадқиқот ишларининг дастури ишлаб чиқилди. Илмий-тадқиқот мавзулари бўйича асосан фан докторлари ва номзодларидан иборат истеъдодли ёшлардан ташкил топган 3 та бўлим ўз фаолиятини бошлади. Жумладан, тарих, археология ва фалсафа бўлими ходимларининг асосий вазифаси йирик шарқшунос мутахассис олимларни жалб қилган ҳолда Марказий Осиёда IX-XIII аср бошларида яшаб, ижод этган, жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар ва уларнинг катта илмий-маданий меросини халққа, айниқса, келажак авлодга етказишдан иборатдир.

Хоразм давлатининг энг гуллаб-яшнаган даври IX-XI асрларга тўғри келади. Бу даврда Гурганчнинг сиёсий мавқеи жуда катта, шаҳар савдо-ҳунармандчилик ва маданият маркази сифатида иқтисодий жиҳатдан ҳам анча ривожланган эди.

Хоразм шоҳларидан маъмунийлар, айниқса, бу сулоланинг сўнгги вакили Маъмун II ўз саройига энг яхши олимларни тўплашга, бой кутубхоналар бунёд этишга интилди. 996 йили Шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад мамлакатни яхлит давлатга айлантириб, Хоразмшоҳ унвонини қабул этди ва Урганчни пойтахт қилиб белгилади. Маъмун ибн Муҳаммад (995-997 йиллар) ва унинг ўғли Али ибн Маъмун (997-1009 йиллар) мустақилликни ва ҳарбий қудратни кучайтиришга уринишди. Али ибн Маъмуннинг ўлимидан сўнг тахтни укаси Абу Аббос Маъмун II (1009-1017 йиллар) эгаллаб, отаси ва акасининг сиёсатини давом эттирди.

Али ибн Маъмун даврида Урганчда иккита ажойиб сарой қурдирилди. Саройда маданий марказ яратилиб, мажлисларга XI асрнинг энг яхши олимлари жалб этилди. Қомусий олим Абу Райҳон Беруний 1004 йили Урганч ҳокими Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун таклифи билан, Журжон шаҳридан Урганчга келди. Бу даврда Ўрта Осиёдаги феодал давлатлардан бири сомонийлар ҳукмронлиги ағдарилиб, ўлкада қорахонийлар ва ғазнавийлар мавқеи ортиб бормоқда эди.

Хоразмшоҳ Али ибн Маъмуннинг 13 йиллик ҳукмронлик даври осойишталикда ўтди. Мамлакат иқтисоди жонланди. Ўз ватанидан жудо бўлган кўплаб олимлар Хоразмдан паноҳ топдилар. Абу Райҳон Берунийнинг таклифи билан Урганчга шарқнинг кўплаб йирик алломалари кела бошлади. 1005 йили Абу Али ибн Сино ҳам Урганчга кўчиб келди. Маъмун академиясида боғдодлик машҳур табиб Абулхайр ал-Ҳаммор, математик ва астроном Абу Наср Мансур ибн Ироқ ва Маҳмуд Ҳамид ибн Хидр ал-Хўжандий, тарихчи ва тилшунос олимлар Абу Мансур ас-Саолибий ва Абу Али ибн Мискавайҳ, кимёгар Абдуҳаким Муҳаммад ибн Абдумалик ас-Солиҳ, Ал-Хорожий, Ал-Ҳамдакий, Абу Абдуллоҳ Ал-Бийан Наисбурий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Суҳайлий ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳри, Аҳмад ибн Ҳамид ан-Найсабурий, Умар Исфахоний каби олимлар фаолият кўрсатдилар. Бу олимлардан ташкил топган «Донишмандлар уйи»нинг («Маъмун академияси») ташкилотчиси Абу Райҳон Беруний Хоразмшоҳ Абу Аббос Маъмун II саройидаги энг эътиборли кишилардан эди. Тарих таҚозоси туфайли бу алломалар яратган қўлёзмалар дунёнинг турли бурчакларига тарқаб кетган. Уларни излаб топиб, илмга ташна халқимизни баҳраманд этиш энг муҳим вазифалардандир. Бу вазифаларни амалга ошириш маданиятимизни бойитиш, халқимиз даҳосининг тимсолига айланган буюк боболаримиз муборак номларини янги шароитда яна бир бор қайтадан дунёга танитиш қутлуғ бурчимиз ҳамдир.

Дилором БОБОЖОНОВА,
тарих фанлари доктори

1998 yul — Oila yili

ЗИЁГА ЙЎҒРИЛГАН ОИЛА

Қизилтепа туманида китобни жон-дилидан севадиган, ўқиганларини ўқиб, халқимизга маърифат тарқатадиган оилалар анчагина. Шуларнинг бири Ғайрат Нуруллаевлар оиласидир.

Ғайрат Нуруллаев ҳам, унинг умр йўлдоши Орзигул Ражабова ҳам тумандаги «Ўзбекистон» ўрта мактабининг ўқитувчилари. Улар бирор кунларини китобсиз, газета-журналларсиз тасаввур қилишолмайди. Хонадонларидаги китоб жовонида Алишер Навоий, Нодира, Умар Хайям, Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева, Эркин Воҳидов, шунингдек, чет эл ёзувчиларининг беҳисоб асарлари териб қўйилган.

— Ойижоним -қайнонам Шарифа Ҳожиева ҳам адабиёт муаллимаси, қайнотам Абдураҳим Нуруллаев эса тарих ўқитувчиси. Улар гарчи нафақага чиқишса-да, қўлларидан китоб тушмайди, — дейди фахрланиб Орзигул Ражабова. -Шу боислан бўлса керак, ҳаммамиз аҳилмиз, бир-биримизга ҳурматимиз баланд. Чунки китоб ҳаётимиз йўлини ёритувчи машъаладир.

Мен оила аъзолари билан бирма-бир суҳбатлашарканман, уларнинг ҳар бири китобдан ўзича бир завқ олишини айтди. Орзигул китоб ўқиганда яхши дам олишини, ёшлар мураббийси Абдухалил ака вақтини мароқли ўтказишини, оила аъзоси Меҳринисо эса ғалати воқеалар гирдобига шўнгиб, маънавиятини ижобий томонга бойитишини тўлқинланиб гапиришди.

Қувончли томони шундаки, 1997 йилда Қизилтепа туманида ва Навоий вилояти миқёсида ўтказилган «Китобхон оила-97» кўрик-танловида бу оила фахрли ўринларни эгаллади. Лекин гап голиблиқда эмас, китобни севишда. Зеро, китобни ардоқлаган, унга меҳр қўйганлар элини, Ватанини, оиласини севади. Ватан эса остонадан, оиладан бошланади.

Баҳодир ЭГАМ

Bolalar bog'chalarida

«ОНА ТИЛИМ-ДОНО ТИЛИМ»

Чироқчи тумани «Пахтаобод» жамоа ширкат хўжалигида жойлашган Карим Содиқов номли болалар боғчасида яқинда худди шу мавзуда кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Танловда кичкинтойлар жонажон она тиллари ҳақида ёд айтган шеър ва қўшиқлари, боғча опаларидан эшитган ибратли ривоят ва мақоллари билан иштирок этишди.

— У ёки бу мавзуга бағишланган бундай кўрик-танловлар боғчамизда тез-тез ўтказилиб турилади, — дейди боғча мудираси Бўритош Ашурова. — Айни кунларда жамоамиз аъзолари «Алла айтинг, онажон» деб номланган кўрик-танловни намунали ўтказиш учун тайёргарлик ишлари олиб бормоқдалар...

Таъбир жоиз бўлса, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қишлоқда жойлашган мазкур кичкинтойлар маскани шаҳар ва туман марказларидаги болалар боғчалари билан бемалол баҳслаша олади. Боғчада ҳамма ишлар жой-жойида, тарбияланаётган 60 дан ортиқ дилбандлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

«Излаган имконият, эринган баҳона топади» деб шуни айтсалар керак-да.

Абдували ОБИДДИН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Қарши шаҳридаги 1-касб-ҳунар лицейи бугунги кунда 100 га яқин талабага 10 дан ортиқ ҳунар сирларини ўргатмоқда.

Суратда: Ишлаб чиқариш устаси Меҳринисо Насуруллаева шогирдлари билан.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат

Donish chirog'i

«БОЛАНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ КЕРАК»

ОҚИЛХОН ШАРАФИДДИНОВНИНГ БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА МАСЛАҲАТЛАРИ

Бошланғич таълим устаси, фидойи инсон О. Шарафиддиновнинг 100 йиллик юбилейи республикамиз бўйича кенг нишонланди. Устознинг бизга қолдирган улкан ижодий мероси «Алифбе» дарслигидир. Ушбу дарслик бир неча бор қайта нашр этилган. Оқилхон домланинг яна бир қанча илмий-ижодий мероси биз учун қадрлидир. Ана шулардан бири «Бошланғич синф ўқитувчиларига насиҳатлар»идир. Узоқ йиллик тажриба маҳсули бўлмиш бу насиҳатлар домланинг ижодий изланишларини, заҳматли меҳнатининг ҳам натижасидир. Ушбу насиҳатларни сиз азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик. Қуйида ана шу насиҳат ва маслаҳатлар билан танишасиз.

***

Биринчи синф ўқувчиларининг келажакда яхши ўқиши кўп жиҳатдан унинг шу синфда қандай ўқиган бўлишига, қандай қуникма ҳосил қилганига, қандай одатларга ўрганганига боғлиқ. Шунинг билан бирга бола яшаган муҳит ва тарбия унинг характерини шакллантиради.

***

Тарбия воситаларидан бири мустаҳкам кун тартибидир. Шунга риоя қилган ҳар бир бола ўзидаги ёмон одатни йўқотиб боради. Унинг мақсадга мувофиқ тарбияланишига катталарнинг шахсан ўрнак бўлишлари катта аҳамиятга эга, айниқса, болага насиҳат қилганда эҳтиёт бўлиш керак. Бўлар-бўлмасга бақириш, қилган ишини танқид қилавериш ярамайди, бу боланинг ташаббусини бўғади.

***

Боланинг тўғри тарбияланишида турли ҳаракатли ўйинларнинг моҳияти катта. Чунки ўйинлар уларни фикрларини ўстиради. Зеҳнларини кучайтиради. Ҳаракатли ўйинлар эса уларнинг ҳаракатларини уйғунлаштиради. Аммо баъзи ота-оналар ўз болаларининг мактабга борганларидан кейин «энди мактабда ўқиётирсан, ўйинни ташла, ўқи» ёки «катта бўлиб қолдинг, энди ўйинчоқларни ёш болалар ўйнасин» деб, боланинг ўйинчоқларини олиб қўядилар. Ота-оналардан болаларга нисбатан бундай муносабатда бўлишлари нотўғридир. Чунки мактабга борганда болалар ўзларининг яхши кўрган ўйинларидан кўнгил узолмайдилар ва «ўқувчи бўлганда ўйнаш мумкин бўлмас экан», деб ўйлайдилар ва мактабдан ўйинни афзал кўриб, ўқишдан совийдилар.

***

Маълумки, болалар ўқишга яхши кўникмаганидан дарсдан тез чарчаб қоладилар. Шунинг учун ҳам уларни дарс вақтида дам олишларини ўйлаб кўриш керак. Бу вақтда ўргатилаётган ҳарф, айтилаётган арифметик машқлар ўрнига ўзларига мослаб шеър ўқиш, ҳаракатли ўйинлар ўтказиш мумкин, бундай ўйинлар уй вазифасини бажариш вақтида ҳам қўлланилса яхши бўларди. Биринчи синф ўқувчиларининг соғлиқлари мактабга борганларидан кейин ёмонлашмасин, балки яхши ривожланиб борсин. Агар тўғри тузилган кун тартибига риоя қилинса, болалар янгича талаблар, янгича одатларга тезда қуникадилар, улар мактабда ўрганаётган ҳар бир янгиликка қизиқиш билан қарайдилар, қизиқиб ўқийдилар ва бақувват бўлиб ўсадилар.

* * *

Биринчи синф ўқувчиларини тарбиялашда уларнинг фаолиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Айрим ўқитувчилар ўз ўқувчилари ўсган, тарбия топган шарт-шароитни билмайдилар, ўрганмайдилар. Шунинг учун айрим асабий ва индамас ўқувчиларга нисбатан «ақли заиф» деган нотўғри фикр юритадилар. Болаларда бундай сустланишни йўқотиш учун уларни чидам билан тарбиялаш керак. Одатда асаб фаолияти секин таъсирланадиган ўқувчиларни «бўш», «кўрқоқ» дейишади. Бундай болалар секин, салмоқланиб гапиради. Уларнинг сўз заҳираси оз бўлади. Бундай болаларни фаоллаштириш, рағбатлантириш керак.

Сайдинаби ШАРАПОВ тайёрлади.

АДАБИЁТ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАЙДИ

(Боши 1-бетда)

илғаб олиши учун эскисига нисбатан қандай имконлар мавжуд?

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ:

— Аввало, шуни айтиб қўяйки, баъзан адабиётнинг елкасига ортиқча юкларни ҳам ағдариб қўямиз. Аслида адабиёт шахсни тарбиялайди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» эълон қилинганидан сўнг яна бир зарурат - ўқув дастурларини ҳам тубдан янгилаш лозим бўлиб қолди. Бугун 5—9 синфлар учун «Умумий ўрта таълимда Адабиёт ўқитиш концепцияси» 8 кишидан иборат ишчи гуруҳимиз томонидан ишлаб чиқилиб, мутахассислар муҳокамасидан ўтди.

Дастурда, аввало, ўқувчи маънавиятини шакллантириш ҳамда адабиёт нима учун ва қандай ўқитилиши лозимлиги белгилаб олинди. Шу концепция асосида «Умумий ўрта таълимнинг «Адабиёт» дастурлари учун давлат стандарти» ҳам ишлаб чиқилди.

Маълумки, илгари 9-синф ўн бир йиллик мактабнинг ажралмас бир қисми эди. Шунинг учун «Ўзбек адабиёти» ўқув фани ушбу синфда маълум тугаллик касб этмасди. Бугун эса адабий таълимда ҳам муайян даражада якунланиш зарурияти пайдо бўлди. Шу важдан бундан кейин 9-синфда «Ўзбек адабиёти» аввалгидек тизимли курс сифатида ўқитилмайди. Шунинг учун адабиёт дарсликларидан баъзи нарсалар олиниб, баъзан қўшишга тўғри келмоқда. Умуман, 5—9- синфларда адабий таълим тўртта: халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, XX аср адабиёти ҳамда жаҳон адабиёти йўналишларида олиб борилади.

Янги дастур билан олдинги дастур ўртасидаги муҳим фарқлардан яна биттаси шуки, биз дастурга асар танлаётган пайтда ёзувчига эмас, асарга ва энг асосийси, ўқувчи руҳиятига мос келадиган ижодий жараёнга кўпроқ эътибор бердик. Бу эса албатта, ўқувчининг фанни тезроқ илғаб олишига имконият яратади.

— Шу ўринда яна битта мулоҳаза пайдо бўлади-да. Амалдаги дастур бўйича эндигина адабиёт фани ўқитила бошлаган синфларга ҳам мумтоз адабиёт вакилларининг асарлари ўқитилади. Энди ўйлаб кўринг, 5- синф ўқувчиси Навоийнинг ғазалларини тушунадими? Гарчи тушунтирилганда ҳам унинг ботиний маънолар уйғунлигини илғай оладими?

—Айнан ушбу мулоҳазалар ҳам бизнинг кунглимизда кечгани боис, янги дастурда адабиёт дарслигини муайян мавсумий бўлимларга ажратдик. Масалан: 5-синф дасрлигида «Болаликнинг беғубор осмони», «Учқур хаёл соҳиби бола» каби бўлимлар борлигини айтишим мумкин. Умуман олганда, дарслик хронологик жадвал бўйича тузилмади. Балки, боланинг қабул қилиш имкониятидан, ёшидан келиб чиқиб яратилди.

Фурсатдан фойдаланиб яна шуни айтмоқчиманки, янги дастурда ҳам мумтоз адабиёт вакилларининг асарлари мавжуд. Бу мавжудлик бугун шуни талаб қиладики, мумтоз адабиётни ўқитувчи савиясига туширишмас, ўқитувчи савиясини мумтоз адабиёт савиясига кўтариш керак.

ЎЗИНГИЗНИ СЎЗИНГИЗ АЙТАДИ

Ҳар битта янгиликнинг муайян ўзига хосликлари бўлади. Йўқса унинг янгилиги қаерда қолади. Болаларимизга она-тили фанининг янги дастури ишлаб чиқилар экан, унинг ўзига хослигидан ҳам муҳимроғи уни ўқиганнинг «янгиланиш» сифати юқори ўрин тутади.

Бугун жамиятимизда учта гапнинг иккитасини ўзининг соф она тилисида гапира олмайдиган миллатдошларимиз йўқ эмас. Гарчи бу масаланинг ҳозирги суҳбатимизга алоқаси йўқдек кўринса-да, бироқ ўз тилини севишнинг асосий воситаси она-тилининг ўқитилиши. Тилимизнинг гўзал талаффуз қирралари очиб берилиши...

Муҳаббат АБДУРАИМОВА:

— Биз яратаётган дастур бир киши ёки икки киши учун эмас, бугун ё эрта учун ҳам эмас, балки келажакни буюк этадиган авлод учун яратилган ҳужжат. Биз шундай маъсулият билан ёндашдик. Бунинг натижасини, албатта, эртанги синовлар кўрсатади.

Бугун ишчи гуруҳимиз томонидан она тили бўйича таълимнинг давлат стандарти ҳамда дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу янги мазмундаги дастур ўзининг мазмун - мундарижаси, маслак-мақсади билан амалдаги дастурдан бутунлай фарқ қилади. Жумладан, амалдаги дастурда ўқувчига билим ўргатиш объекти, ўқитувчига ўргатиш жараёнининг субъекти сифатида ёндошилади. Ушбу жараён эса янги дастурда ўқувчи ўрганишнинг субъекти, ўқитувчи эса бу жараённинг бошқарувчиси бўлади, холос. Бу эса боланинг ўзини ўқишга, изланишга олиб келади. Ёки жорий дастурда болага кўпроқ назарий билим берилади. Тилнинг грамматик талқинига кўпроқ эътибор берилади. Бу жараён ҳам янги дастурда айрича шаклини топган. Яъни, янги дастурда ўқувчини ижодийликка йўналтириш, бир мазмунни турли усулда баён этиш қуникмаларига эътибор қаратилган.

— Гоҳида қизиқ бир мулоҳазалар ҳам туғилади-да. Айтайлик, турли маънодаги тараққиёт баъзи бир ўзига тегишли мезонларни ҳам ўзгартиради. Ҳозиргина биз юқорида айтиб ўтдикки, ижодга муайян мафкура нигоҳи билан баҳо беришнинг салбий оқибатлари ҳақида. Бу ҳам ўша адабий мезонларнинг бузилиши. Демоқчиманки, амалдаги дастурда баъзи мезонлар чалкашлиги йўқ эдими? Бор бўлса қандай йўл тутилди? Тутилган йўл нимага асосланди?

— Умуман, янги мазмундаги дарсликлар методик тузилиши билан ўқитишнинг энг илғор йўналишларига ва ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Бизнинг ҳозирги амалдаги дастуримизда ҳам эскирган, илғор йўналишларга жавоб бермайдиган, чалкашлик туғдириб ўқувчи ўзлаштиришини чигаллаштирадиган назарий талқинлар бор. Лекин биз бу муаммоларга бугунги фан ютуқларидан жавоб топдик. Яъни, баъзи эскирган назарий талқинлар янгича изоҳланди.

Дарҳақиқат, шапалоқдек битта мақолада бутун бошли иккита фаннинг ўқитилиш дастуридаги муваффақиятлар, нуқсонлар ҳақида батафсил айтиш имкониятимизга сиғмайди. Умуман ҳар иккала янги дастурнинг олдидаги муҳим вазифа болаларимизнинг эстетик дидини ўстириш, ҳиссиётини ўткир қилиш, ўзга одамларнинг туйғуларини, руҳий ҳолатларини илғаб олишдек масъулиятларни англатишга қаратилганлиги аён бўлмоқда. Албатта, буни вақт кўрсатади. Тўғрироғи, ушбу фанлар бўйича ишлаб чиқилган янги дастур яқин кунларда Бухоро ҳамда Тошкент шаҳри мактабларида синовдан ўтади.

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Yoz o'tmoqda soz

МАРҲАМАТНИНГ «БАҲОР»ИГА МАРҲАМАТ

Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган «Баҳор» болалар оромгоҳида ҳам мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олишлари мароқли ўтмоқда. Оромгоҳ бошлиғи М.Сотиболдиев шароитлар ҳақида гапириб, туман деҳқончилик мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси зарур маблағ билан таъминлаётганидан мамнун эканлигини айтиб ўтди. Айниқса, туман ҳокимлиги оромгоҳнинг барвақт очилишига ёрдам берди. Тўғрироғи, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ушбу маскан иш бошлади. Ҳозирда 1050 нафар йигит-қиз ўнта гуруҳда дам олишяпти. Шу билан бир вақтда улар тўгаракларда ҳам қатнашиб туришибди. Чўмилиш ҳавзаси, душ, «яшил чироқ» майдони, аттракцион ўйинлар хонаси, волейбол,баскетбол, футбол ўйингоҳлари ва кутубхона уларнинг ихтиёрида. Хуллас, Марҳаматнинг »Баҳор»ига марҳамат қилинг!

А. ЭРГАШЕВ



Xullas...

САНАТОРИЙДА АВТОМАТ

Анапада ёзги дам олишни ташкил этишга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Бу ердаги курорт-санаторийларга келиб дам олувчи ва соғлигини тикловчиларнинг тинчлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар бўлими ходимлари «Курорт-98» операциясини ўтказишди. «Жемчужина России» деб аталган дам олиш базасида ўтказилган текшириш оқибатида улар кутилмаган воқеанинг шоҳиди бўлишди. Машқ залида қуйидаги уқотар қуроллар сақланарди: учта Калашников автомати, Ф-1 гранатаси, иккита пистолет. Очиқда эмас, балки автоматик ўйинларнинг киши билмас тирқишларига жойлаштирилган бу қуроллар кимники, қай мақсадда қўйилганини ким билади дейсиз?

Дам олиш мавсумига фақат курорт маъмурияти эмас, балки ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам тайёргарлик кўришганга ўхшайди...

НОННИНГ АЖОЙИБ ХИЛЛАРИ

Нондан улуғ неъмат бўлмаса керак. Челябинск вилоятининг ўлкашунослик музейида қадимги даврлардан ҳозирга қадар нон ишлаб чиқариш тарихидан ҳикоя қилувчи одатдан ташқари экспозиция очилди.

Томошабинлар нафақат ибтидоий даврлардаги нон ёпиш жараёни, балки энг замонавий нон тайёрлаш технологияси билан ҳам танишдилар, «экспонат» сифатида қўйилган булка, пряник, батон, печеньедан ҳам татиб кўрдилар.

Музейга кирганлар ҳайрат билан бош чайқашди: «Оламда бундан ортиқ тотли нарса йўқ»!

ҚЎЛИДАН КЕЛМАДИ

Нижний Новгородда 16 ёшли мактаб ўқувчиси телефон будкасини олиб кетмоқчи бўлиб, ўрнидан қимирлатди. Аммо у бутқани камроқ еган шекилли, оғир юкни судраб олиб кетишга кучи етмай ярим йўлда қолдирди.

Темир матоҳ унга нима учун керак бўлиб қолганини милиция ходимлари аниқлашса керак. Ишга лаёқатсиз бу йигитча, эҳтимол, будкани сотиб кун кўрмоқчи бўлгандир..

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача»-да. Шурлик ялқов нимжонлигидан ниятига етолмади.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

Жаҳон чемпионати кундалиги

ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТ

Футбол бўйича Франциядаги жаҳон чемпионатида кўпдан-кўп турли хил воқеалар оқими ҳамон давом этмоқда. Шуларнинг энг қизиқарлиси, албатта, футбол ишқибозлари ҳаёти билан боғлиқ. Масалан, Марсель шаҳридаги биргина пиво сотиш шохобчасида 5 соатда 2000 литр пиво сотилди.

ЭНГ БОЙ ФУТБОЛЧИ

Жаҳон чемпионати иштирокчилари орасида ҳозирча иккита энг бой футболчи бор. Биринчиси бразилиялик Роналдодир. Унинг бир ойлик меҳнат ҳақи қарийб 600 минг АҚШ долларига яқин. Аргентиналик Баттистута эса ҳозирча 350 минг долларга яқин даромад қилмоқда.

БЕТАРТИБ ИШҚИБОЗЛАР

Шу кунга қадар ўтказилган учрашувларда энг кўп жиноят содир этган ишқибозлар деб бевосита инглизлар назарда тутилмоқда. Улар содир этаётган жиноятларнинг сони ва тури ўндан ошиб кетди. Шу кунгача инглизлар полициячилар, телеоператорлар, сотувчилар, ҳайдовчилар, билет сотиш ташкилотлари билан кўп бор жанжал қилишди. Оқибатда юздан ортиқ фанат Франциядан чиқариб юборилди.

БЎШАНГ ДАРВОЗАБОНЛАР

Ҳозиргача энг бўшанг дарвозабон деган ном Корея ҳамда Испания терма командаларининг дарвоза ҳимоячиларига тегишли бўлиб турибди. Корея дарвозабони 3 учрашувда 9 та, испаниялик даврозабон эса 8 та тўп ўтказиб юборди.

ЭНГ ЗЎР ДАРВОЗАБОН

Бу ном германиялик Кёпкега жудаям ярашиб турибди. У шу кунга қадар ўтказилган тўрт ўйинда бор-йўғи 3 тўп ўтказган. Италиялик Полюка, бразилиялик Таффарел 4 тадан тўп ўтказган. Ҳозирча мана шу уч дарвозабон ишқибозлар ҳурматини қозонмоқда.

O'ynab-o'ynab o'rganamiz

ЎРМОНДА СПОРТ БАЙРАМИ

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 601-«Наврўз» болалар боғчасида «Соғлом авлод учун» услубий бирлашманинг ноанъанавий мужассамлашган машғулоти утказилди. «Ўрмонда спорт байрами» деб номланган мазкур машғулот тайёрлов гуруҳи кичкинтойлари иштирокида инглиз тилида намойиш қилинди. Мужассамлашган машғулотда математика, нутқ ўстириш, мусиқа, жисмоний, ахлоқий ва эстетик тарбияга алоҳида эътибор берилган. Кичкинтойлар турли хил ҳайвонлар — тулки, бури, қуён сингари ниқобларда саҳнага чиқиб, ўқитувчи Марҳабо Умарованинг саволларига аниқ, бурро жавоб бердилар. Уз исмлари ва меваларнинг номларини қийналмай равон айтдилар. Шунингдек, дилбандлар икки командага бўлиниб жисмоний машқларни бажардилар. Ширинтой болажонлар 2 та тўсиқлар устидан сакраш, энгашиб ўтиш ва белгиланган манзилга етиб келиш, коптокни тўнкалар орасидан думалатиш, гимнастика скамейкасида гавдани тик тутган ҳолда юриб, тўсиқлар орасидан ўтиш сингари эстафета машқларини бажардилар.

Мусобақада фаол иштирок этган ҳар икки командага биттадан юмшоқ ўйинчоқ ва ҳар бир болага шоколад совға қилинди.

Шунингдек, кичкинтойлар ўзларининг байналмилал қўшиқ ва рақслари билан йиғилганларни хушнуд қилиб турдилар.

— Унта боғчада очиқ машғулот ўтказилди, — деди туман халқ таълими бўлими мудири Шукурулло Икромов. — Охирги машғулотларда чет тилини ўзлаштириш ва болаларни мактабга тайёрлашни кўрсатиб бердилар. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»даги табақалаштирилган — рақобатбардош таълим услуби мазкур боғчада амалга оширилаётганининг шоҳиди бўлдик.Бундан кейинги фаолиятларида ҳам меҳри дарё, фидойи мураббийларимизга омад тилаймиз.

Йиғилишда ТШУМОИ ва туман халқ таълими бўлими мактабгача тарбия бўлимлари услубчилари, туман болалар боғчалари услубчи ва тарбиячилари иштирок этдилар..

Қизиқарли ва мазмунли ўтган ноанъанавий машғулот унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Fransiya-98

АЙТИЛАДИГАН ГАП ШУ...

Мана 16-жаҳон чемпионатининг 1/8 финал баҳсларига ҳам каттакон нуқта қўйилди. Олдиндан башорат қилганларнинг кўпчилиги доғда қолди. Бироқ яна бир гуруҳ башоратчилар борки, ҳали бироз имкониятга эга бўлиб турибди. Негаки, башоратларнинг эллик фоиздан кўпроғида Бразилия, Германия, Италия ва Аргентина терма командаларининг чемпион бўлиши назарда тутилган.

Хуллас 1/8 финал учрашувларида шов-шувли воқеалар кам бўлди. Хорватияликларнинг руминлар устидан қозонган (1:0) ғалабасини ҳисобга олмаганда илгаридан кучли дея тан олинган командаларнинг ҳаммаси футбол ишқибозларининг ишончларини тўлиқ оқладилар. Умумий ҳисоб китоб қиладиган бўлсак, 1/8 финалда Лотин Америкасидан бешта (Бразилия, Аргентина, Парагвай, Мексика, Чили) Европа қитъасидан унта (Германия, Югославия, Италия,- Франция, Англия, Хорватия, Голландия, Руминия, Норвегия, Дания), Африка қитъасидан эса битта (Нигерия) терма командалар иштирок этди. Дарвозаларга ҳаммаси бўлиб 25 тўп киритилди. (Англия-Аргентина учрашувидаги пенальтилар ҳам ҳисобга олинди). Шундан 12 таси Лотин Америкаси терма командаларига яна шунчаси европаликларга ва биттагинаси Африка вакилига тегишлидир.

1/8 финал учрашувидаги энг қизиқарли ўйин деб тўғридан-тўғри Англия-Аргентина баҳсини тилга олиш мумкин. Маълумки, бу терма командалар бундан роппа-роса 12 йил олдин Мексикада ўтказилган 12-жаҳон чемпионатида учрашган эдилар. Ушбу учрашувда аргентиналикларнинг энг донгдор ва арзанда ҳужумчиси Диего Марадона қули билан тўп киритиб, инглизларни кейинги босқичдан маҳрум қилган эди. Шушу англиялик ишқибозларнинг аргентиналикларда алами қолган эди. 16-жаҳон чемпионатининг 1/8 финалида ушбу командаларнинг яна тўқнаш келганлиги инглизларни қувонтиргандек бўлди. Улар ҳаттоки қасд олиш учун тайёр эканлигини ҳам яшириб ўтирмадилар. Лекин майдон текис, тўп юмалоқ деганларидек, омад яна аргентиналикларга кулиб боқди. Асосий ва қўшимча вақтларда дуранг (2:2) натижа қайд қилинган бўлса 11 метрли жарима тўпларини тепиш масаласида Даниэль Пассоделлонинг йигитлари пухталик қилди. Аргентиналиклар 4:3 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Футбол ишқибозларига Бразилия-Чили учрашуви тафсилотини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Бунда жаҳон чемпионлари 4:1 натижа билан сузсиз голиб чиқдилар.

1/8 босқичнинг футболчию мураббийлари учун энг қийин бўлган тўқнашуви деб бевосита Франция-Парагвай мусобақасини мисол келтириш мумкин. Унда французлар майдон эгаси сифатида катта қийинчилик билан ғалаба (1:0) қилдилар. Ягона тўп қўшимча белгиланган 30 дақиқанинг охирги сонияларида киритилди. Агарда ушбу учрашувда ҳам футболчилар 11 метрли жарима тўплари тепишиб мусобақалашишганда ким билади дейсиз, французлар жаҳон чемпионатидан учиб кетишармиди?! Чунки парагвайликлар Чилаверт деган машҳур дарвозабонга эга. Чилавертнинг маҳорати ҳозирча дунёни лол қилиб келмоқда.

Германия-Мексика учрашувининг 75-дақиқасидан сўнг бузилмас немис машинаси яна ўз ишини қилди. Учрашувда 1:0 ҳисобида олдинда бораётган мексикаликлар сўнгги 15 дақиқа ичида Клинсманн, Бирхофф, Хёслерлар томонидан тор-мор қилинди, 15 дақиқада Берти Фогтснинг оқилона кўрсатмалари яна бир марта Германия терма командасига ғалаба келтирди-2:1. Бу билан «кексайиб қолган» немис машинасининг қудрати, барибир, ҳар қандай рақибни довдиратиб ташлаши мумкинлиги исботланди.

Голландия-Югославия (2:1), Италия-Норвегия (1:0), Нигерия-Дания (1:4).

Руминия-Хорватия (0:1) учрашувларида айтарли тарзда шов-шув бўлмади. Ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек амалга ошди.

Шундай қилиб, 16-жаҳон чемпионати ҳам кун сайин поёнига етиб бормоқда. Зўрлар сараланиб бўлди. Сувдаги ғалвирнинг ичида нима борлиги кўриниб қолди ҳисоб. Демак, жаҳон чемпиони деган ном европаликларга ёки жанубий америка терма командаларидан бирига насиб этиши, ҳозирча башоратнинг энг тўғриси бўлиб турибди.

Нормурод МУСОМОВ, журналист

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Дилором опа Акромова!

Сиз Чилонзор туманидаги 181-мактабда болаларга сабоқ бериб келмоқдасиз. Сизни тавваллуд кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга тан-сиҳатлик, бахт ва мураббийлик фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Оила аъзоларингиз номидан укангиз ШАВКАТБЕК

Ko'ngil bitiklari

КУЙЛАНГ ҚУШЛАР

Боғлар тўлди чиройга,
Олқиш мўл «баҳорой»га.
Келинглар, жўр бўлинглар,
Жилғалару,шўх сойга.

Куйланг, сайроқи қушлар,
Табиат кўрки сизлар.

Каклик,тўрғай, бедана,
Саъва,булбуллар мана.
Куйларсиз ҳар шевада,
Тинчлик қўшиғин яна.

Куйланг, сайроқи қушлар,
Нағмангиз дилни хушлар.

Куйлайлик, бўлишиб жам,
Куйга тўлсин бу олам.
Бўлсин нағма куйимиз,
Обод юрт,тинч уйимиз.

Куйланг, сайроқи қушлар,
Замин сизни олқишлар.

Маҳмуда ПАРПИЕВА, ўқитувчи

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 281-ўрта мактаб томонидан Волосина Юлия номига берилган OR'E 051815 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Yodnoma

АРМОН

Йўқ, ишонмайман, шоир ўлган эмас, у ҳамнафас яшаяпти, ижод қилаяпти, невараларига эртаклар айтиб бераяпти. Қўлида ўроқ билан кўзичоқларга ўт ўриб бераяпти... Ёстиқдоши Шарифахон билан тўйлар ҳақида кенгашаяпти...

Узимга тасалли бераман-у, бироқ улим ҳақ эканига иймон келтириб, салкам ярим асрлик дўсти қадрдон, ширинкалом шоир, журналист ва ёзувчи Ашурали Аҳмедовнинг орамиздан бевақт кетганига ўкинаман. Бу мен учун бамисоли тушдек. У том маънодаги ҳокисор, иймон-эътиқодли инсон, тиним билмас заҳматкаш ижодкор, дўстларига вафодор, фарзандларига меҳрибон ота эди. Қирқ йиллик ижод жараёнида сермаҳсул, серқирра журналист, шоир сифатида Ашурали ўнлаб китоблар, рисолалар шеърий достонлар, юзлаб очерклар, публицистик мақолалари билан элга танилди. У хизмат тақозоси билан диёримизни кезди, асарлар яратди. Шоир Ашурали Аҳмедовнинг ижод столида чала қолган қулёзма китоблари, мақолалари бир талай. Мен шоир ўлимидан сал аввал учрашиб, иккимиз тушликни бирга қилиб, суҳбати жонон қурдик. Шоир юрагини тўкиб солди ўшанда. Бу суҳбатнинг тарих бўлиб қолишига ишонмагандим.

«Мен сиз билан Узбекқишлоққа бориб, опахонимиз - юз ёшга юз тулаётган 143 та невара, эвара-чеваралар момоси Гавҳар отинни кўриб, яхши дуо олиб қайтишимиз керак. Бироқ бир оз бетобман (шоир қон босими билан оғирди). Кейинги сафар қишлоққа бирга борамиз»,- деди.

У менга дўстим машқий тўртликларингдан бир-иккитасини ўқиб бер, дея илтимос қилиб қолди. Шоир илтимосини ерда қолдирмай машқий шеърларимдан аста ўқий бошладим:

Бу оламга кимлар келиб,
кимлар кетмайди,
Бу бир кам дунёнинг бири
асло битмайди,
Тириклик, молу дунё деб,
югурдик, елдик,
Талай ишлар чала қолди,
умр етмайди.

Тўртликларингиз чакки эмас, унда хайёмона фалсафа бор. У ёг- бу ёгини тарошлаб,матбуотга берсангиз ҳам бўлаверади, деди Ашурали. Жуда тўғри ёзибсиз, умр қисқа, қилинадиган ишлар кўп. Ижодкор оламдан ўтса, икки нарса етим қоларкан: унинг фарзандларию чала қолган ишлари,- қошларини чимирди хаёлпараст шоир.

Ўша куни у билан бекаттача гурунглашиб бордик. Автобус келгач дўсти беназир, шоири замон Ашурали Аҳмедов узоқ сафарга отланаётган одамдек мен билан қаттиқ қучоқлашиб хайрлашди. У шоирона жилмайиши билан ойнадан менга қўл силтаб қолди... Бу қирқ йиллик дўстим, ажойиб инсон, шоир Ашурали Аҳмедовнинг сўнгги видолашуви бўлганлигини ҳозир англаб турибман.

Мажид ҲАСАНИЙ

МУАЛЛИМАЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

Қайноқ сувга хамир қориш ярамайди, чунки қайноқ сув хамирни тириштириб, ёйилишини қийинлаштиради.

***

Ёғда қовуриладиган хамир маҳсулотлари кўп урвоқланса, ёғ кўп сарф бўлади ва куяди.

***

Бўғирсоқ, «қуш тили», чак-чак ва шу кабиларни қовуришда ёғ камроқ сарфланиши учун қозонга ёғни кўпроқ солинг, ёғ кўп бўлса, камроқ куяди.

***

Суви қочган нонни ҳўлланган сочиққа ўраб намиқтириб, духовкада бир оз қиздирсангиз, юмшаб асл ҳолига келади.

***

Агар сувга ёки сутга ун аралаштирмоқчи бўлсангиз, унни сувга эмас, аксинча, сувни ёки сутни унга солиб аралаштириш керак, шунда қумоқлар ҳосил бўлмайди.

***

Қари молнинг гўшти тез пишиши учун сувга бир қошиқ сирка ёки лимон суви қўшиш керак.

***

Жигарни қовуришда туз сепилмайди, акс ҳолда у қаттиқ бўлиб қолади, таом пишганидан сўнг туз сепилади.

***

Тухумни қайнаб турган сувга солиб тез пиширилса, унинг оқсили қаттиқ, сариғи эса юмшоқ бўлади, астасекин пиширилганда эса, аксинча, сариғи қаттиқ ва оқсили юмшоқ бўлади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси Навоий Давлат кон институти ректори техника фанлари доктори, профессор Баҳодир Раимжонович Раимжоновга отаси Раимжон АБДУРАИМОВ вафоти муносабати билан унга ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги педагогик таълим ва фан бошқармаси бошлиғининг муовини Қудрат Мўминхўжаевга волидаи муҳтарамалари Жўрахон ая АҲРОРХЎЖА қизи вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0175. Тиражи 26.234. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.30. Г. 123456